Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

XDP O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2011-yil, 16-iyun. Payshanba • 72 (31.348) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

# Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



**Икки палатали миллий парламентимизни ташкил этиш бўйича 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум якунлари ва шу асосда Конституциявий қонун қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишнинг асосларини белгилаб берди.**

**Йигирма йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари эса 3,8 баробарни ташкил этди.**



## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ: ҲАМЖИҲАТЛИКДА ГЛОБАЛ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ

### ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг 2011 йил 14-15 июнь кунлари Остона шаҳрида бўлиб ўтган ўн биринчи мажлиси якунларига доир

**ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгаши расмий дастури 15 июнь куни Мустақиллик саройида Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қирғизистон Республикаси Президенти Роза Отунбоева, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирокида тор доирадаги учрашувдан бошланди.**

Мажлисда ШҲТ доирасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболли йўналишлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро сиёсатга оид долзарб масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Анъанага биноан мажлис кенгайтирилган таркибда давом эттирилди. Унда ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари билан бирга кузатувчи мақомидаги давлатлар делегациялари раҳбарлари — Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинежод, Покистон Президенти Осиф Али Зардорий, Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Соманаҳалли Кришна, Мўғулистон Президенти маъмурияти раҳбари Баттулга Дашжамц, раислик қилувчи мамлакат меҳмони сифатида таклиф этилган Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай, шунингдек, БМТ, МДҲ, ОДКБ каби қатор халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Мажлис қатнашчилари ШҲТ маконида ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириш йўллари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Минтақавий масалалар, жаҳондаги воқеалар, жумладан, Афғонистондаги вазиятга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Президенти ШҲТнинг ўн йиллик фаолиятига баҳо берар экан, тарихан қисқа вақт ичида Ташкилот эътиборли ва нуфузли халқаро тузилма сифатида шаклланганини таъкидлади.

ШҲТ доирасида салмоқли шартномавий-ҳуқуқий пойдевор яратилди, унинг институционал асоси шакллантирилди, тузилмавий органлари барқарор фаолият кўрсатмоқда, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликни изчил кенгайтириш ва ривожлантириш, транспорт-коммуникация алоқаларини фаоллаштириш таъминланмоқда. Булар Ташкилотнинг очиқлиги, барча манфаатдор давлатлар ва халқаро тузилмалар билан ҳамкорликка тайёр эканидан далолатдир.

«Шу муносабат билан ШҲТнинг халқаро нуфузини янада оширишга хизмат қиладиган қуйидаги омилларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман, — деди Ислом Каримов. — ШҲТ, аввало, ўзининг асосий тамойилларидан келиб чиққан ҳолда минтақада барқарорлик ва хавфсизликни сақлашнинг ишончли кафолати сифатида майдонга чиқмоқда, дунё тез ўзгарувчан, нотинч бўлиб турган ҳозирги замонда бу ғоят муҳим аҳамият касб этади.

*(Давоми 2-бетда.)*



# Метро поездлари келажак сари елмоқда

**Ҳар куни юз минглаб тошкентликлар ва меҳмонлар пойтахтимиз метрополитени хизматидан фойдаланади. Негаки, улар метрополитенни энг тез ва қулай транспорт тури деб билади.**

Бу йил Тошкент метрополитенининг ташкил этилганига 34 йил тўлади. Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида энг охирги Юнусобод йўналишининг ишга туширилганига ўн йил тўлади. Президентимиз Ислом Каримов 2001 йил 28 августда Юнусобод массиви билан пойтахтимиз марказини боғлаган тезюрар транспорт линиясини очган эди.

Бугун Юнусобод линияси архитектураси, бадиий безаги ва гўзаллиги бўйича ҳар бири ўзига хос бўлган олтита станцияни ўз ичига олади. «Минг ўрик» станцияси ушбу йўналишнинг бош бекати ҳисобланади. Ноёб оқ мармар билан безатилган мазкур станция ва Ўзбекистон линиясининг «Ойбек» бекатини 140 метрлик ўзига хос ўтиш жойи туташтиради. Ушбу станциянинг яна бир ўзига хос жиҳати, бу ерда тиббиёт пункти ҳам жойлашган бўлиб, унга нафақат метрополитен ходимлари, балки йўловчилар ҳам мурожаат қилишлари мумкин.

Ҳар куни саккизта тезюрар поезд ушбу линия бўйлаб 140 марта қатнайди ва 10-12 минг нафар йўловчини манзилига етказади. Поезд станцияга келиб тўхташи билан эшиклар очилиб, унинг вагонларига йўловчилар шошиб чиқади. Эшиклар ёпилгач, поезд қоронғуликка шўнғийди ва кейинги — «Юнус Ражабий» станцияси сари шиддат билан интилади. Бу станция пойтахт метросининг энг чуқур жойлашган станциясидир. Унинг шифтлари 7 метрдан баланд. Чилонзор линиясининг «Амир Темур хиёбони» станциясига олиб борадиган иккита еррости вестибюли кишида унутилмас таассурот қолдиради. Бу станцияга шарқона меъморчилик услубидаги устунлар ўзгача маҳобат ва тароват бағишлайди. Уларни нафақат безак, балки ёритиш вазифасини ҳам бажарувчи капителлар боғлаб туради.

Поезд шитоб билан «Абдулла Қодирий» станцияси томон йўл олди. Ушбу станциянинг очилишини пойтахтимизнинг кўплаб аҳолиси интиқлик билан кутган эди. Чунки машҳур Олой бозорига бу ердан осонгина бориш мумкин. Илгари бу ерга келиш учун ер устида ҳаракатланадиган бир неча транспортдан транспортга ўтиш зарур эди ва бу ноқулайлик туғдирарди.

⇨ 3

### Эътироф

**Ўзбекистонни, унинг қадимий шаҳарларини илк бор кўриб турибман. Мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлаш арафасида турган мамлакат нисбатан қисқа муддатда ғоят катта ютуқларга эришибди. Ўз меҳнати натижасида тараққиёт йўлида илғор марраларни қозонаётган халқ бой маданий мероси билан ҳам ҳар қанча фахрланса, арзийди.**

**Ота-боболари қолдирган меросни асраган халқ — маънавияти юксак халқдир. Ўзбекистонга, жумладан, ўзига хос обидаларга бой Самарқандга сафарим давомида шу ҳақиқатни яна бир бор хаёлдан ўтказдим».**

**Ли ХЁНГ У, ўқитувчи (Жанубий Корея)**

### Анжуман

## Пойтахтда халқаро кинофестиваль

***«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасида шу йил октябрь ойида пойтахтимизда ўтказиладиган биринчи Тошкент замонавий кинофестивалига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Таниқли режиссёр, сценарийнавис, кинотанқидчи ва санъатшунослар, талаба-ёшлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этган анжуманда мамлакатимиз ёш кинематографлари томонидан яратилган қисқа метражли асарлар, уларни халқаро кинофестивалга тақдим қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Бу йилги фестиваль доирасида Европа, Шимолий ва Жанубий Американинг нуфузли кино ижодкорлари билан мулоқотлар, Африка ва Австралия минтақаларининг жаҳон саҳнасига тақдим қилаётган асарлари таҳлили, «XXI аср тамаддунлари — маданиятлар мулоқоти» мавзусида лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

«Инсон тақдири: туйғулар фалсафасидир» шиори остида ўтказилаётган фестиваль миллий маданият ва умуминсоний қадриятларни сақлаб қолиш воситаси сифатида кино санъатига кенг жамоатчиликнинг қизиқишини орттириш, кино тилини ривожлантирувчи ва жаҳон кино жараёнини акс эттирувчи ёрқин асарларни намойиш этишга қаратилган.

Тадбирда фестивалда намойиш этиладиган ўзбек киноси олтин фондидан ўрин олган миллий асарларимиз ҳақида маълумот берилиб, тайёргарлик жараёнларида ёшлар иштирокини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланди.

# Халқ фаровонлиги, Ватан тараққиёти

### ҳар бир сиёсий партиядан амалий таклиф ва ташаббусларни талаб этади

Давлатимиз раҳбари илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси»да баён этилган ғояларни амалга ошириш бўйича кенг кўламли ишлар қилинмоқда.

Президентимиз Концепцияда оилавий бизнесни янада ривожлантириш зарурати ҳақида алоҳида тўхталди. Бу ЎзХДП Сайловолди дастури ғояларига ҳамоҳангдир.

Оилавий бизнес партиямиз электорати ижтимоий ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда кишилар ўз бизнесини йўлга қўйиши учун қулай шароит яратилган. Энди ўз ишини бошлаётган тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бу эса уларнинг жамият ҳаётидаги иштироки ва умуман ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, манфаатлар мувозанатини таъминлашга хизмат қилади.

⇨ 2

### Диққат, янги рукн!

### Журналист ва жаҳон: тажриба, талқин

## Мухбиримиз Лондон мэрининг велосипедида сайр қилди, Буюк Британия вазири маслаҳатчиси билан суҳбатлашди, кекса инглиздан миннатдорчилик эшитди



**Узоқ сафарга чиқиб қайтиб келганингиздан сўнг деярли ҳамма вақт бир хил саволларга жавоб қайтаришга тўғри келади. Яқинларингиз сафар қандай ўтганию, қандай осори-атиқаларни томоша қилганингиз, ҳатто нима еб-нима ичганингизгача суриштиришади. Жавоблар эса саёҳатчиларнинг қизиқишларига кўра ҳар хил бўлиши мумкин. Кимдадир тарихий обидалар ҳақидаги таассуротлар устунроқ бўлса, кимдир нотаниш юрт табиати ҳақида соатлаб ҳикоя қилади.**

**Мен эса журналистлигимга бордим — Буюк Британияда ҳам мақолаларимга қаҳрамонларни, янгиликларни изладим...**

⇨ 4

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 14 ИЮНДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1801,03 | 1 Миср фунти | 287,60 | 1 СДР | 2740,25 | 10 Жанубий Корея вони | 15,73 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2774,43 | 1 Канада доллари | 1749,51 | 1 Туркия лираси | 1083,65 | 10 Япония иенаси | 212,42 |
| 1 БАА дирҳами | 465,33 | 1 Хитой юани | 263,47 | 1 Швейцария франки | 2022,63 | 1 Россия рубли | 61,49 |
| 1 АҚШ доллари | 1708,92 | 1 Малайзия ринггити | 563,26 | 1 Евро | 2495,60 | 1 Украина гривнаси | 214,32 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

# ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ: ҲАМЖИҲАТЛИКДА ГЛОБАЛ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ

## ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг 2011 йил 14-15 июнь кунлари Остона шаҳрида бўлиб ўтган ўн биринчи мажлиси якунларига доир

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Иккинчидан, бу ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда кўп томонлама самарали ҳамкорликни ташкил этиш борасида қўйилаётган ва бажарилаётган вазифалар, бунинг учун зарур шартномавий-ҳуқуқий асосни шакллантириш ва ҳар бир мамлакат учун аҳамиятли бўлган йирик лойиҳаларни амалга оширишдир.

Учинчидан, ШҲТ давлатларнинг тенг ҳуқуқли бирлашмаси бўлиб, унинг фаолияти бошқа мамлакатларнинг манфаатларига қарши қаратилмаган ва қарама-қаршилик қиладиган блок хусусиятига эга эмаслиги яққол намоён бўлмоқда».

Мамлакатимиз раҳбари Ташкилот доирасидаги ҳамкорлик истиқболларига тўхталар экан, бунда ШҲТ Хартиясидаги мақсадлар, вазифа ва тамойилларга тўла мос равишда синовдан ўтган сиёсатни давом эттириш, «Шанхай жараёни»нинг барча иштирокчилари манфаатларига бирдек жавоб берадиган ҳамкорликнинг асосий йўналишларини ҳаётга татбиқ этиш устувор жиҳатлар эканини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов ШҲТни янада муваффақиятли ривожлантириш аъзо давлатларнинг муайян амалий натижаларга эришишига, аввало, барқарор тараққиётни таъминлаш ва бутун минтақа мамлакатлари аҳолиси фаровонлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларига боғлиқ эканини қайд этди.

ШҲТ маконида истиқомат қилаётган халқлар ҳамкорликдаги фаолиятнинг самараларини аниқ мисолларда кўрсагина, ШҲТнинг мавқеи ва нуфузи янада ошади.

Ўзбекистон ШҲТ маконида миллий ва трансчегаравий аҳамиятга молик автомобиль, темир йўл ва ҳаво йўли коммуникацияларини барпо этиш ва модернизация қилиш бўйича инвестиция дастурларини амалга ошириш, шунингдек, замонавий логистика марказлари ва хаблар яратиш тарафдоридир. Бу ишларнинг амалга оширилиши ШҲТга аъзо давлатларнинг Европа Иттифоқи, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Хитойнинг ШҲТ Тараққиёт банкини тузиш тўғрисидаги таклифи амалга оширилишини муҳим, деб ҳисоблайди. Бу Ташкилот доирасида социал-иқтисодий ва инфратузилмага оид устувор лойиҳаларни молиялаштиришнинг кўп томонлама механизмини шакллантиришга йўналтирилган, аъзо мамлакатлар олдида турган умумий вазифаларни янада самарали бажариш имконини беради.

Бу борада жорий йилнинг апрель ойида Ашхободда имзоланган Ўрта Осиё — Форс кўрфази янги халқаро транспорт йўлагини шакллантириш тўғрисидаги давлатлараро битимнинг ҳаётга жорий қилиниши муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Истиқболда бу йўлак ШҲТ маконини ерусти йўллари орқали Форс ва Уммон кўрфазларидаги бандаргоҳлар билан боғлаш имконини беради.

Мамлакатимиз раҳбари Марказий Осиёдаги вазиятга баҳо берар экан, дунёда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хавф-хатарлар кучайиб бораётган ҳозирги шароитда минтақамиз ўз геосиёсий ва геостратегик аҳамияти, бой табиий ресурслари туфайли жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида қолаётганини таъкидлади.

Афғонистонда 30 йилдан буён давом этаётган уруш нафақат минтақамизда, балки бутун дунёда тинчлик ва осойишталикка рахна солмоқда. Жаҳон ҳамжамияти барча чора-тадбирларни кўраётганига қарамай, таассуфки, бу ердаги вазият мураккаблигича қолмоқда.

«Бугунги кунда афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Деярли барча давлатлар, жумладан, афғон муаммосини ечишга жалб қилинган мамлакатлар раҳбарлари, шунингдек, бевосита Афғонистондаги коалиция кучлари ҳарбий қўмондонлиги ҳам бу ҳақда сўз юритмоқда, — деб таъкидлади Ислом Каримов. — Бизнинг қатъий фикримизга кўра, ўз мамлакатининг муаммоларини афғон халқининг ўзи ҳал этиши керак. Фақат қарама-қарши томонларни муросага келтириш, бу жараёнга афғонистонликларнинг ўзини жалб қилиш, шунингдек, жаҳон ҳамжамияти ёрдами билан Афғонистонни социал-иқтисодий тиклаш орқалигина боши берк кўчадан чиқиш йўлини топиш мумкин. Бу ҳақда Ўзбекистон томони 2008 йилнинг апрель ойида Бухарестда баёнот берган эди. Биз Афғонистон келажагини тинч, барқарор ривожланаётган, атрофидаги мамлакатларга ҳеч қандай таҳдид солмайдиган давлат сифатида кўрамиз. Токи мазкур минтақада яшайдиган халқлар илгаригидек дўстона, ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли муносабатларнинг имкониятларидан тўлалигича фойдалана олсинлар. Ўзбекистон бундан буён ҳам Афғонистонга нисбатан ўзаро миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда икки томонлама асосда яхши қўшничилик ва ҳамкорлик сиёсатини юритаверади».

Мажлисда томонлар ШҲТга аъзо давлатларнинг глобал ва минтақавий муаммоларга қарашлари кўп жиҳатдан ўхшаш эканини қайд этиб, ўзаро яқин ҳамкорликка тайёр эканликларини билдирдилар.

Саммит якунида ШҲТ доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди. Ўтган даврда ШҲТ фаолиятининг асосий натижалари ва ютуқларини, аъзо давлатларнинг минтақа ва дунёдаги бугунги вазиятга қарашларини, шунингдек, минтақада хавфсизлик ва устувор йўналишларда ШҲТ доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга оид долзарб муаммолар ечимига ёндашувларини акс эттирган Ўн йиллик декларацияси қабул қилинди.

Шунингдек, 2011-2016 йилларга мўлжалланган Антинаркотик стратегия ва уни бажариш бўйича Ҳаракат дастури тасдиқланди. Бу ҳужжатлар ШҲТ маконида наркотиклар билан боғлиқ таҳдидларни бартараф қилиш бўйича биргаликдаги ҳаракатлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

2010 йилда Тошкент саммитида тасдиқланган ШҲТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом асосида Ташкилотга давлатларни қабул қилиш процедурасини тартибга солиш мақсадида ШҲТга аъзо мамлакат мақомини олиш учун ариза берган давлатнинг мажбуриятлари тўғрисидаги намунавий меморандум имзоланди.

ШҲТга аъзо давлатларнинг ваколатли вакиллари томонидан Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланди. Бу битим томонлар ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларни назорат қилиш, дори воситаларининг хавфсизлиги ва сифатини, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятларда тиббий ёрдам кўрсатиш каби йўналишларда ҳамкорликни назарда тутади.

Давлатимиз раҳбари анжуман якунларини сарҳисоб қилар экан, «барчамиз учун долзарб бўлган муаммолар юзасидан очиқ ва конструктив фикр алмашув натижалари ҳамда наркобизнесга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик ва ШҲТни кенгайтириш бўйича бугун қабул қилинган қарорлар Ташкилотга аъзо мамлакатлар хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган навбатдаги қадам бўлади», деб ишонч билдирди.

Саммит якунида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ШҲТ 10 йиллик фаолияти мобайнида, халқаро ва минтақавий вазият қанчалик жиддий ўзгарганига қарамай, барча синовларга муносиб тарзда дош бериб, аъзо давлатлар ўртасида яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим механизми сифатида майдонга чиққани таъкидланди.

Саммитда ШҲТга раислик Хитой томонига ўтди. Давлат раҳбарлари Хитой Халқ Республикасининг ўз раислиги даврини ШҲТ маконида «Яхши қўшничилик ва дўстлик йили» деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватладилар.

Шу билан ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн биринчи мажлиси ўз ишини якунлади.

**(ЎзА)**

---

**ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти**



# Мамлакатда кечаётган демократик жараёнда

## ёшларнинг иштироки

**Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан шу мавзуда давра суҳбати ўтказилди. Чирчиқ шаҳар партия кенгашида бўлиб ўтган тадбирда Марказий Кенгаш масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, ёшлар қаноти етакчилари ва фаоллари қатнашди.**

Давра суҳбатида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни амалга оширишда ёшларнинг иштирокини кучайтириш, бу борада ёшлар қаноти олиб бораётган ишларни янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

— Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик тизими изчил такомиллашиб бормоқда, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Зиёвуддин Мансуров.** — Уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ўз истеъдод ва имкониятини кенг намойиш этиши учун шарт-шароит яратилди. Бугун бундай имкониятдан тўла фойдаланаётган ёшлар турли соҳада кўплаб муваффақиятларни қўлга киритишаяпти. Шунингдек, ёшларнинг кенг кўламли ислоҳотларда ва давлатимиз раҳбари илгари сурган Концепцияни амалга оширишда иштирок этишга фаол интилиши яққол сезилиб турибди. Бу, аввало, уларнинг Концепция мазмун-моҳиятини чуқур англашга ҳаракат қилаётганида намоён бўлмоқда.

— Президентимиз ёшларни бугунги ва эртанги куннинг ҳал қилувчи кучидир, деб бежиз айтмаган, — деди **ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Меҳрож Дархонов.** — Дарҳақиқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида кенг қамровли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлодни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз тақдим этган Концепция мамлакатимиз йигирма йиллик миллий тараққиёт йўлининг таҳлили, жаҳон тажрибасига асосланиб яратилган, узоқ йилларга мўлжалланган дастурий ҳужжатдир. Унинг амалга оширилиши юртимизда тарихий бурилиш даврини бошлаб беради. Ёшлар эртанги кун эгалари экан, ана шу Концепция қоидаларини ўз ҳаётий тамойилларига айлантириб олишлари зарур. Чунки эртага мамлакат тақдирини қўлга оладиган авлодмиз. Она юртни дунёдаги ҳеч бир мамлакатдан кам бўлмаган, обод ва фаровон, халқи тўқ ва маърифатли мамлакат сифатида янада ривожлантириш бизнинг зиммамиздаги вазифадир. Ана шунга ҳар жиҳатдан тайёр бўлмоғимиз зарур...

Тадбирда ёшлар Концепцияда илгари сурилган ғояларни амалга ошириш, давлат бошқарувини демократлаштириш каби мавзулар бўйича фикр билдиришди. Айниқса, мазкур жараёнда уларнинг ўрни масаласи катта қизиқишга сабаб бўлди. Тадбир сўнггида партия сафига қабул қилинган бир гуруҳ ёшларга аъзолик гувоҳномаси топширилди.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг мазмун-моҳияти ва самарасини қизиқиб кузатиб бораман, — дейди **Чирчиқ саноат касб-ҳунар коллежи битирувчиси Исломбек Усмонов.** — Сиёсий партияларсиз эркин фуқаролик жамиятини тасаввур этиб бўлмайди. Фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва бошқарувни демократлаштиришда партияларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Биз мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнларда янада фаол иштирок этишимиз учун уларнинг сафида бўлишимиз зарур. Шу сабабли барча сиёсий партиялар илгари сураётган ғояларни ўрганиб чиқиб, ўз қарашларимга мос бўлгани учун ЎзХДП сафига киришга қарор қилдим.

**Алишер РАВШАНОВ**

---

# Халқ фаровонлиги, Ватан тараққиёти

## ҳар бир сиёсий партиядан амалий таклиф ва ташаббусларни талаб этади

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Шу жиҳатдан бизнинг партиямиз фуқаролар йиғинлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. «Маҳалла — манзилли ижтимоий ҳимоя маркази» мавзуида давра суҳбатлари мунтазам ўтказилмоқда. Маҳаллалардаги бошланғич ташкилотларимиз ташаббуси билан ҳудудларда янги гузарлар, пойабзал таъмирлаш, кийим тикиш устахоналари, автосервис, новвойхона ва бошқа хизмат кўрсатиш объектлари очилмоқда. Депутатларимиз томонидан жойларда вақтинчалик банд бўлмаган кишиларни, айниқса, аёллар ва ёшларни ишга жойлаштириш масаласида турли ташаббуслар илгари сурилаяпти.

Расмий маълумотларга кўра, ўтган йили ташкил этилган янги иш жойларининг деярли ярми кичик корхоналар, микрофирмалар ва якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига тўғри келади. ЎзЛиДеП ўз газетаси саҳифаларида бандликнинг бош омили — банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишдан иборат, дея таъкидлаб келади. Бироқ аслида бу партиянинг кўпгина депутатлик бирлашмалари мазкур масалаларни ҳал қилишда фаоллик кўрсатаяпти, деб бўлмайди. ЎзЛиДеП аниқ таклиф, ташаббус ўрнига кўпроқ бошқалардан хато ахтариш билан шуғулланмоқда.

ЎзХДП иқтисодиётнинг турли соҳаларида оилавий бизнес кенг ривожланиши учун микромолиявий хизматлар кўламини кенгайтиришга қаратилган иқтисодий форумларни ўтказиб келмоқда. Уларда юзлаб ёшларга имтиёзли кредитлар олиш учун тижорат банкларининг сертификатлари топширилди.

Корхоналар билан шартномалар асосида ҳамкорлик юритиш оилавий бизнесни ривожлантиришнинг самарали шаклларидан бири бўлиши мумкин. Шу боисдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси аъзолари ташаббуси билан мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи «Касаначилик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланаётган бундай тадбирларни ўтказишдан мақсадимиз либерал-демократларнинг ўрнини босиш эмас, балки электоратимиз эҳтиёж сезган вазифаларни ҳал этишдир. Рақибларимиз эса бизни кичик бизнеснинг меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ривожлантиришга қарши чиқаётганликда айблаб, ноўрин танқид қилишда давом этмоқда. Шунингдек, ЎзЛиДеП аҳолининг турли қатламлари ижтимоий ҳимоясига урғу бериш бюджетнинг тегишли харажатлари кўпайишига олиб келади, дея бизни боқимандалик кайфиятини келтириб чиқараётганликда айбламоқда.

Биз бу каби масалаларга анча кенгроқ ёндашамиз ва меҳнатга лаёқатли аҳоли ижтимоий ҳимоясининг муҳим омили бу бандликни таъминлашдан иборат, деб ҳисоблаймиз. Сир эмаски, бу масалада меҳнатга лаёқатли аҳолининг алоҳида вакиллари — ёш болали аёллар, ногиронлар қийинчиликларга дуч келишади. Бизнингча, бундай кишилар кафолатланган тарзда ишга жойлаштирилиши учун давлатнинг ўзи иш жойлари ташкил этишни рағбатлантириши керак. Шу билан бирга, ЎзЛиДеП қўшимча иш жойларининг нима кераги бор, ахир улар олаётган нафақанинг ўзи етарли эмасми, деган фикрларни илгари сурмоқда. Хўш, шундай экан, боқимандалик кайфиятини ким келтириб чиқармоқда?

Жойларда ЎзЛиДеПнинг маҳаллий ташкилотлари томонидан тадбиркорлар муаммоларини ўрганиш, уларга берилаётган имтиёзларни тушунтириш, амалий ёрдам кўрсатиш, ўз бурчларига масъулиятни ошириш борасида етарли ишлар қилинмаётганини исботловчи мисоллар оз эмас. Айрим тадбиркорлар қонунбузарликларга йўл қўяётгани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Улар орасида тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни амалга оширмасдан фаолият юритаётганлар ҳам борки, бунинг оқибатида бюджетга қўшимча маблағлар тушмай қолмоқда. ЎзЛиДеП бу муаммоларга етарли эътибор қаратмаётгани, уларни ҳал қилиш учун амалий таклиф бермаётгани ажабланарли ҳолдир.

Халқ демократик партияси ўз электорати манфаатидан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни амалга ошириш бўйича 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурини қабул қилди. Унда ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ва парламентдаги фракциямиз аъзолари олдига аниқ вазифа — минтақалардаги муаммоларни ҳал қилиш юзасидан муқобил таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш орқали таъсир кўрсатиш вазифаси қўйилган.

Ўз сайловолди дастурида ижтимоий ҳимоя бўйича катта вазифаларни зиммасига олган «Адолат» СДП эса ваъдаларга муносиб иш қилишга шошилмаётганга ўхшайди. Социал-демократиянинг эркинлик, адолат, бирдамлик мазмунидаги шиорини расман қайтараверишдан бошқа ушбу партия ҳеч бир аниқ таклиф айтгани йўқ. Адолатчилар шу пайтгача социал-демократия қадриятларини мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига мослаштиришга ҳаракат ҳам қилмадилар.

Меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш ва ижросини таъминлаш соҳасидаги масалаларни ҳал қилиш ўрнига ушбу партия ўз Сайловолди дастурида «меценатлик ва ҳомийликни ривожлантириш» мақсадида касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилишни режалаштирганини ёзиб қўйишни маъқул кўрди. Афтидан, «Адолат» вакиллари ўзларини парламент демократияси шароитида касаба уюшмалари маблағларини ҳотамтойлик билан тарқатиш тўғрисида ширин хаёл суришяпти, шекилли.

Сиёсий ғоялар кураши амалий вазифаларни ҳал қилишга олиб келиши керак, деб ҳисоблаймиз. Жамият ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш ва демократлаштириш табиий равишда партиялараро рақобатнинг кучайишига олиб келади. Фикримизча, бу борадаги баҳс-мунозара, аввало амалий руҳда олиб борилиши, барча партияларга хатоларни тўғрилаб, янада самаралироқ ишлашга, аниқ натижаларга эришишга ёрдам бериши керак.

Биз партиялараро мунозараларни шунчаки баҳслашиш ёки парламентдаги фракциялар ўртасида ҳароратни кўтариш учун олиб бораётганимиз йўқ. Бундан асосий мақсад сиёсий партиялар фаолиятини кучайтиришга эришишдир. Шу орқали аҳолининг барча қатлами манфаатлари таъминланади.

Барчамизнинг мақсадимиз бир, яъни шу йил ўз мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлаётган Ватанимизнинг янада тараққий топишига хизмат қиладиган энг самарали йўлларни топиш, халқимизнинг ҳаёти янада фаровонлашишига муносиб ҳисса қўшиш.

**Фахриддин РАЖАБОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

---

**ЎзХДП: маҳаллий кенгашларида**

# Ғаллаороллик фаол аёллар

## партия Сайловолди дастурини амалга оширишда муносиб ҳисса қўшмоқда

**Ғаллаорол туманида 2159 нафар ЎзХДП аъзоси бор. Улар 52 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Аъзоларнинг 665 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. «Фаол аёллар» қаноти туман бўлими аъзоларининг 2 нафари халқ депутатлари туман Кенгаши депутати, 18 нафари қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчисидир.**

— Партиямиз Сайловолди дастурида жамиятда хотин-қизларнинг мавқеини янада ошириш, иш билан бандлигини таъминлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган, — дейди **«Фаол аёллар» қаноти туман бўлими етакчиси, «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби Ойсара Азизова.** — Бу вазифаларни амалга оширишда биз туман хотин-қизлар қўмитаси, касаба уюшмалари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимидаги ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйганмиз.

Қанот фаолияти самарасини ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этаётган ташкилотчи, фидойи, етакчи аёлларнинг кўпайиб бораётгани тасдиқлаб турибди. Шундай аёллардан бири «Мулкиш» қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг диний-маърифат ва ахлоқий-тарбиявий масалалар бўйича маслаҳатчиси, ҳududдаги бошланғич партия ташкилоти етакчиси Мақсад Очиловадир. У нафақат партия фаоли, балки ажойиб оила бекаси, ишбилармон ва тадбиркор аёл сифатида ҳам кўпчиликнинг ҳурматини қозонган. Гўшт, тухум маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган кичик корхона ва маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчасини ишга тушириш орқали ўндан зиёд ҳамқишлоғини иш билан таъминлади. Ҳудудда амалга оширилган катта-кичик ободончилик ишлари, умумхалқ ҳашарлари, хайрия тадбирлари, тўй-маъракаларга доимо бош-қош, хотин-қизларнинг яқин маслаҳатчиси.

«Олимлар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, партия фаоли Назокат Ҳасанова ҳақида ҳам одамлар «Умридан барака топсин, маҳалламиз учун кўп яхши ишлар қилаяпти», дея илиқ гаплар айтишади. Сабаби 4024 нафар аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудда амалга оширилган катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишларида унинг муносиб хизмати бор. Қатъиятли, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам талабчан, кези келганда меҳрибон аёл раҳбарлигида маҳалла нафақат туман, балки вилоятдаги намунали гўшалардан бирига айланди.

— 56- Ғўбдин сайлов округидан вилоят Кенгаши депутатлигига сайланган Дилбар Саидова, касаначи-чевар Гулнора Мардиева, «Нозима бегим» хусусий корхонаси раҳбари, кўплаб хорижий кўргазмалар иштирокчиси Насиба Илёсова, шифокор Озода Аҳмедова, спортчи Гули Жуманова, «Жийдали» қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг диний-маърифат ва ахлоқий-тарбиявий масалалар бўйича маслаҳатчиси Замира Сатторова сингари ўнлаб фаоллар тўғрисида ҳар қанча илиқ гаплар айтса арзийди, — дейди **ЎзХДП туман кенгаши раиси Меҳри Бобоева.** — Улар электорат билан ишлаш, тарғибот-ташвиқот ишларини янги технологиялар асосида олиб бориш, хотин-қизлар ва ёшларнинг бузғунчи оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, бунинг учун уларнинг сиёсий, ижтимоий-ҳуқуқий билимини бойитишда яқиндан ёрдам беришаяпти.

Биз шундай аёллар сафини янада кенгайтириш мақсадида турли мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар, семинар-тренингларни ташкил этаяпмиз. Чунки фаол ва ташаббускор аёлларнинг кўпайиши жамият ривожи ва ўз навбатида партиямиз дастурий мақсадлари тўлақонли амалга ошишида муҳим аҳамиятга эга.

Партиямизнинг Сайловолди дастури талабларидан келиб чиқиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами — кўп болали, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар, пенсионерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бандлик масаласи ҳам фаол аёллар қанотининг диққат-марказида. Яқинда «Фаол аёллар» қаноти туман бўлими ташаббуси билан марказий ўйингоҳда «Аёл ва спорт» деб номланган спорт мусобақаси ўтказилди. Унда 25 ёшдан 45 ёшгача бўлган 200 нафардан кўпроқ хотин-қиз иштирок этди. Спортнинг олти тури бўйича ўтказилган беллашув ғолибларига совринлар берилди, улар моддий ва маънавий рағбатлантирилди. Бу аёллар ўртасида спортнинг янада оммалашиши ва спортга бўлган қизиқишни кучайтирди. Уларнинг бир гуруҳига партия аъзолик гувоҳномалари топширилди.

— 1981 йилда туғилганман, — дейди **Гавҳар Аҳмедова.** — 66-умумтаълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлайман. Бугун қайси сиёсий партия фаол, ташаббускор бўлса, аҳоли орасида обрў-эътибори шунча юқори. Кишилар партияга, уларнинг ишларига қараб баҳо беришади ва шу партия фаолларига эргашади. Шунинг учун мен айнан шу партияни танладим.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Метро поездлари келажак сари елмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда.)



«Абдулла Қодирий» станциясига тушган киши ўзини қуёш ёғдусида чўмилгандай ҳис этади, чуқур еростида турганини ҳам унутади. Чунки бу ердаги қатор қандиллар ёруғлиги кўзни қамаштиради. Ушбу гўзалликни яратиш учун турли ўзига хос ғоялар амалга оширилди, кўп меҳнат қилинди. Станцияга атоқли ўзбек ёзувчисининг номи берилгани эътиборга олинган ҳолда, унинг безакларига бадиийлик сингдирилгандек... Масалан, эскалатор тепасидаги панно суратлари жозибадор шафақни эслатади.

...«Кейинги станция «Минор» — эълон қилади сухандон. Бу ҳам Тошкент метрополитенининг энг машҳур станцияларидан бири бўлиб, бекатга кириш йўли муҳандислик биносига олиб борадиган йўл билан қўшилиб кетган. Бундай ўзига хос ечим ерости йўлида илк бор қўлланилган. Оддий муассаса эшигидан кирган одам кенг ва оқ мармар вестибюлдан чиқади.

**Эшиклар ёпилиб, поезд «Бодомзор» бекати сари елдай учади. Станция безакларида унинг номига мос тарзда кўпроқ ушбу мева тасвири қўлланилган. Станция деворлари шифт билан туташиб, ўйма нақшлар билан безатилган гумбазга айланиб кетади. Платформада туриб нақшларни томоша қиларкансан, унинг устида сув ҳавзаларида болажонлар мириқиб чўмиладиган, болалар билан бирга, катталар ҳам ҳордиқ чиқарадиган улкан «Аквапарк» жойлашганидан ҳайратга тушасан. Ҳа, бундай ноёб ва мураккаб иншоотни қуриш учун қанча билим, тажриба ва маҳорат зарур бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас.**

— Бу станцияни барпо этишда қурувчилар мураккаб гидрогеологик ва тор ерости муҳандислик коммуникациялари шароитида меҳнат қилди, — дейди метрополитен ҳаракат хавфсизлиги бўйича бош тафтишчиси Абдутоҳир Абдуқодиров. — Негаки, линияни қуришда катта диаметрли муҳандислик коммуникациялари, каналлар, темир йўлни кесиб ўтиш, кўл, йирик спорт комплекси, телемарказ бинолари ва ҳаттоки, ҳаракат жадвалини ўзгартирмасдан ишлаб турган метро линиялари остида туннел қуришга тўғри келди. Шаҳарнинг кенглиги 45-50 метрлик марказий кўчасида шундай станцияни барпо этишни бир кўз олдингизга келтиринг!

Поезд кейинги — «Ҳабиб Абдуллаев» станцияси томон йўл олди. Бу станция катталиги бўйича шаҳарда иккинчи ўринда турадиган аҳоли массивига яқин жойлашган бўлиб, унга борадиган йўл Бўзсув каналидан метрокўприк орқали ўтказилган. Ушбу йўлдан ўтишда мовий осмон, дарахтлар ва баландлиги 375 метрлик Тошкент телеминораси кўриниб туради. Бу миноранинг 6000 тонналик гумбази 11 метрлик кучли таянчга мустаҳкамланган.

....Радиоинформаторнинг «Ҳабиб Абдуллаев» – охирги бекат, деган овози янграйди. Йўловчилар поездни тарк этади ва у яна қоронғу туннел ичига сингиб кетади. Поезд орқасига қайтиши учун бошқа платформага ўтиши керак. Ушбу станциянинг ўзига хос жиҳати ҳам шундаки, бу ерда иккита платформа жойлашган бўлиб, диспетчерлик айланма йўли мавжуд. 2003 йилда бу ерда кўплаб имкониятларга эга янги автоматлаштирилган бошқарув тизими жорий этилган. У иккита электрон-ҳисоблаш машинаси, бешта монитор, ҳарфли ва рақамли клавиатура, алоқа канали адаптери билан жиҳозланган.

Диспетчерлик хизмати метрополитеннинг юраги ҳисобланади. Шу боис бу тизимда хизмат қиладиган мутахассисларнинг иши ўта масъулиятли ва мураккабдир. Зеро, айнан улар поездлар ҳаракат жадвалларини тузади. Бу жадвалларда асосий эътибор ҳаракат хизматининг асосий кўрсаткичларини тўғри ҳисоб-китоб қилиш ва поездлар ўртасидаги ҳаракатланиш оралиғини аниқ белгилашга қаратилади. Уларнинг ишлари ҳам авиадиспетчерларникидан қолишмайди — ўта аниқлик, сониялар бўйича ҳисоб-китоб қилиш ва одамлар ҳаёти учун жавобгарлик талаб қилинади. Бирор поезднинг бир неча сонияга кечикиши бутун линияда ҳаракатнинг издан чиқишига олиб келиши мумкин.

Мазкур станция ҳам ўзига хос тарзда бадиий безатилган. Бу ерда таниқли ўзбек олими ва геологи, жамоат арбоби Ҳабиб Абдуллаевнинг бюсти, унинг орқасида турли рангли гранитлардан ясалган Ўзбекистон харитаси жойлашган.

Умуман олганда, Юнусобод линиясидаги ҳар бир станция ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Бунинг учун эса кўплаб ноёб ечимлар талаб этилган. Линиянинг умумий узунлиги 7,6 километрдан ошади. Ушбу участка фойдаланишга топширилгач, 29 станциядан иборат Тошкент метрополитени учта линиясининг умумий узунлиги 39,1 километрга етди. Нақшинкор шифтлар, яхлит темир-бетон конструкциялар, айниқса, қандиллар станцияларга ажойиб салобат бахш этган. Деворларни безаб турган мармар ва гранитлар Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан олиб келинган бўлиб, рангларининг хилма-хиллиги билан кишини лол қолдиради.

**Юнусобод линиясини қуриш Тошкентда йўловчи ташиш транспортини ривожлантириш бўйича комплекс схемага мувофиқ режалаштирилган эди. Бундай кенг кўламли лойиҳа мамлакатимизни мустақил иқтисодий ривожлантиришнинг мураккаб ўтиш даврида амалга оширилди. Ўшанда метро қурувчиларнинг мавжуд таркиби Юнусобод линиясининг биринчи навбатини ишга тушириш бўйича комплекс ишларни бажара олишига ишонмаганлар ҳам бўлди.**

Бироқ Президентимиз Ислом Каримовнинг қўллаб-қувватлаши билан темир йўл, транспорт ва саноат-фуқаролик қурилишининг, ихтисослашган ташкилотлар, қурилиш саноати, материал ҳамда асбоб-ускуналар етказиб берувчи корхоналарнинг тегишли тузилмалари ушбу ишга сафарбар қилинди. Бу Тошкент метрополитени Юнусобод линиясининг биринчи навбатини мисли кўрилмаган қисқа муддатларда фойдаланишга топшириш имконини берди.

Ушбу линияни қуриш шундай юқори суръатларда олиб борилдики, тоғ қазиш техникаси бунга бардош бера олмади. Шунда «Тошметроқурилиш» ходимлари мавжуд механизмлар асосида бешта ҳаракатчан блок ёткизиш техникасини тайёрлади ва бу қазиш ишларини тезлатиш ҳамда қурилиш вақтини камайтириш имконини берди. Аввал бир кунда 3 метр жой қазилган бўлса, кейинчалик бу кўрсаткич 4,2 метрга етказилди. Бу участка механикларига туннелларда профилактика чора-тадбирларини қазиш ишларини тўхтатмасдан амалга ошириш учун ҳам вақт топишга ёрдам берди. Натижада трест ишчилари топширилган вазифани шараф билан бажарди, шаҳарликлар эса яна 7,61 километрлик арзон ва қулай транспорт туридан фойдаланиш имконига эга бўлди.

Биз жазирама ва совуқ кунларда, ёғингарчилик пайтларида метрога тушиб, ўзимизни қанчалик қулай ҳис қилишимиз хусусида кўпинча ўйламаймиз ҳам. Чунки бунга ўрганиб қолганмиз. Аслида бу қулайликни бизга юзлаб механизмлар, энг асосийси, ўз ишига фидойи одамлар яратиб берган ва биз бунинг қадрига етишимиз керак. Тошкент метроси — ноёб ва намунали иншоот. Негаки, уни келажакка интилган одамлар барпо қилган. У ҳар жиҳатдан фаровон ва бунёдкор жамиятда инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун эканига ёрқин далолатдир.

**М.МАМЕТОВА, ЎзА мухбири**

Қизил ярим ой жамияти

# Меҳр-шафқат кўзгуси

**Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида Президентимизнинг «Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Салкам 20 йилдан буён республикамизда фаолият олиб бораётган мазкур жамият олдига қандай вазифалар қўйилган? Бу ҳақда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти раиси, профессор Ҳамид КАРИМОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.**

— Олам яралгандан бошлаб, ҳамиша кимнидир ёрдамига, эътиборига муҳтож одамлар бўлиб келган. Ўз навбатида эса мана шундай аҳоли қатламига кўмаклашадиган турли вазиятларда холис, беминнат қўллаб-қувватлайдиган халқаро тузилмалар ҳам ташкил этилган. Уларнинг ишлаши, мақсадларини амалга ошириш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Ҳаракатининг етти тамойили — инсонпарварлик, холислик, бетарафлик, мустақиллик, ихтиёрийлик, ягоналик ва умумийликка амал қилади. Шунингдек, ушбу жамият ёрдамга муҳтож фуқароларга нисбатан, уларнинг ирқи, миллати, жинси, дини ёки сиёсий эътиқодидан қатъи назар, меҳр-шафқат, инсонпарварлик муносабатини амалга оширади.

1998 йил 5 июнда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг XVIII қурултойи бўлиб ўтди. Унда жамиятнинг стратегияси ишлаб чиқилди, фаолият тамойиллари белгиланди, жамиятнинг ривожланиш режаси қабул қилинди.

Жамият таркибига Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят, ҳамда Тошкент шаҳри киради. Ва 191 та шаҳар, туман ва аҳоли яшаш жойларида тузилган 4788 та бошланғич ташкилотларини бирлаштиради. Бугун ушбу жамият сафларида 1 миллион 374 минг аъзо, 34 мингдан зиёд кўнгиллилар фаолият кўрсатади.

Бугунги кунда атроф-муҳитни табиий офатлардан, фалокат ва ижтимоий омиллар туфайли вужудга келадиган вазиятлар оқибатидан муҳофаза қилиш энг долзарб муаммолардан бири. Шунга кўра, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ўз фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб олган. Булар фавқулодда вазиятларга тайёрланиш ва табиий ҳамда бошқа офатларда жабрланган аҳолига тиббий, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Бу ишлар Ўзбекистон Республикасининг аҳолини ва ҳудудни табиий ва техноген характердаги фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни, фавқулодда вазиятлар ҳолатларига оид Республика ҳукумати қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ҳақли равишда фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва унда ҳаракат қилиш давлат тизимига киритилган ягона жамоат ташкилотидир.

1993 йилда жамиятнинг тиббий-ижтимоий бўлими негизида «Меҳр-шафқат» хизмати ташкил этилган бўлиб, у ёлғиз ногиронлар ва кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, кўп болали, кам таъминланган оилалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож табақаларига тиббий, ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш ишларини амалга оширади.

Бугунги кунда 360 нафар «Меҳр-шафқат» ҳамширалари 6000 нафардан зиёд ёлғиз ногиронлар, қариялар ва фахрийларга, мингга яқин кўп болали, кам таъминланган оилаларга хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, республикамизнинг энг чекка қишлоқ жойларида, тиббиёт муассасалари олисда жойлашган ҳамда аҳоли зич яшайдиган жойларда тиббий-ижтимоий ёрдам самарасини ошириш ва хизмат турларини кенгайтириш мақсадида 70 та тиббий-ижтимоий хона ва 12 та марказ ташкил қилинди. Улар зарур асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Қатор вилоятларда жамият томонидан «Хавфсиз оналик», «Соғлом оила» каби қатор дастурлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Республикамизда сил касаллиги бўйича профилактик чора-тадбирларни олиб бориш — рисолалар, буклетлар, плакатлар нашр эттириш, бу касалликни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш, тарғибот ва ташвиқот ишларида тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш, беморларга озиқ-овқат маҳсулотлари жамланмалари кўринишида моддий ёрдам бериш каби хайрли ишлар ўз самарасини бермоқда.

Жамият республикамизнинг 23 та олий ўқув юрти билан ҳамкорлик режасини имзолаган бўлиб, 20 минг нафардан зиёд талаба-ёшлар жамиятнинг аъзоси саналади. Жамият салоҳиятини ривожлантиришда ёшлар ўртасида кўплаб илмий-амалий семинарлар, ойликлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Турмушнинг сўқмоқларида адашган инсонни суяш, унга мурувват кўрсатиш, қийинчиликлардан чиқишнинг чораларини топишда кўмаклашиш халқимизнинг қадим қадриятларидандир. Жамият энг аввало, кўнгли ярим, ёши улуғ кишиларни малакали шифокорлар кўригидан ўтказиш, зарур тиббий ёрдам кўрсатишда кўмаклашади.

Ҳар йили жамият жамғармасига ихтиёрий хайрия йиғиш умуммиллий ўн кунлиги (декадаси) ўтказилади. Ундан тушган маблағ эса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар, ёлғиз қарияларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ишларига сарфланади.

Муҳтож инсонни суяш, эъзозлаш, меҳр-мурувватли бўлиш, оқибат кўрсатиш одамзотнинг гўзал фазилатларидан саналади. Бугун юртимизда кечаётган ислоҳотлар, сиёсий-ижтимоий жараёнлар замирида ҳам инсон манфаатлари, халқ фаровонлиги ва юрт равнақи каби улуғ ғоялар мужассамдир. Барча бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари халқнинг фаровон ҳаёти, фуқароларнинг ўз юртида қадрланиб яшаши учун амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ҳам ана шундай эзгу ишларга хизмат қилиб келмоқда.



Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.

## Болаларга аталган либослар

***Қорақалпоғистон Республикасидаги «Нукус текстиль» масъулияти чекланган жамият бозорга сифатли маҳсулотлар етказиб беришда етакчи корхоналардан бири ҳисобланади.***

Нукус шаҳрининг 9-Дўстлик маҳалласида фаолият бошлаган «Bambino» дўконида мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган болалар кийим-кечакларининг савдоси йўлга қўйилди. Бу ерда йигирмадан ортиқ турдаги болалар либосларини харид қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки





касса, ҳисоблаш техникаси ва переферия ускуналари учун эҳтиёт ва бутловчи қисмларни етказиб бериш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда иштирок этиш тўғрисидаги аризаларни (банк томонидан белгиланган шакл бўйича) йўллаган юридик шахсларга танлов ҳужжатлари мазкур эълон чиққан сананинг эртасидан бошлаб, 7 тақвим куни мобайнида компания (фирма)нинг улгуржи маҳсулот етказиб бериш ваколатини тасдиқловчи ҳужжатларини тақдим этиш шарти билан берилади.

Олинган танлов ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифлари (оферта) қайси шаклда (почта ёки чопар орқали) жўнатилишидан қатъи назар, уларни қабул қилиш мазкур эълон чиққан сананинг эртасидан бошлаб, 32 тақвим куни ўтганидан сўнг соат 17.00 да тўхтатилади.

Қуйидаги манзил бўйича ариза шакли ва танлов ҳужжатлари олинади, шунингдек, тижорат таклифлари (оферта) жўнатилади:

*100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101.*
*Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Бош маъмурий биноси*
*Телефон: 234-42-93, Интернет-сайт: www.nbu.com*
*Мулоқот қилувчи шахслар:*
*Раҳимов Равшан Ҳамидович,*
*Суханов Вячеслав Михайлович.*

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ

КАНЦЕЛЯРСКИЕ ПРИНАДЛЕЖНОСТИ:

Газетную бумагу А 4 – 217 пачек.
Лидерин в рулонах – 6481 м 2.
Алюминиевую фольгу – 550 метр.
Ножки металлические к столу, комплект фурнитуры, сидения и спинки к креслу, металлические ножки и другие.

АВТОЗАПЧАСТИ К «ГАЗ 2410, 3110»:

Автошины 240/580 – 8 шт. Барабан – 5 шт.
Бегунок Вилка кардан Генератор – 1 шт.
Колесные и опорные диски Кожухи заднего моста
Поршневые кольца Маслоотражатель Отбойник
Прокладки главного блока и картера Рессорные подушки
Подшипники – 180308, 588911, 688811.
Прокладки коллектора главного блока Тройники труб
Тормозные трубки Генераторные щетки и другие.

РЕМОНТНО-СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ:

Метлахские плитки, электросталь, самовар и другие.
Обращаться по телефону: 238-18-49, 482-21-35.

ООО «Roison Electronics»

**объявляет тендер на проведение работ в рамках реализации инвестиционной программы по объекту «Административные здания ОАО «Algoritm», расположенные по адресу: г.Ташкент, ул.И.Усманова, 71:**

— разработка проектной документации;
— разработка дизайн проектов;
— строительно-монтажные работы;
— отделочные работы;
— ремонт и покрытие кровли;
— восстановление и улучшение электрических сетей;
— восстановление и улучшение коммуникационных сетей;
— восстановление и улучшение сетей канализации и водоснабжения;
— установка противопожарной системы;
— обустройство мебелью, кондиционерами, офисной оргтехникой, компьютерами, и иным необходимым имуществом;
— благоустройство прилегающей территории;
— прочее.

**Претендентам необходимо предоставить предложение в течение 10 дней со дня данной публикации по адресу: г.Ташкент, ул.И.Усманова, 71.**

**Контактный телефон: (+99871) 270-46-14, факс: (+99871) 270-55-98**

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши Андижон шаҳар партия кенгаши раиси, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Одинахон Ҳасановага онаси **ТУРҒУНОЙ АЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика Нейрохирургия илмий маркази жамоаси мазкур марказнинг болалар бўлими мудири, тиббиёт фанлари доктори Маҳмуд Аҳмадиевга отаси **Мансур АҲМАДИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика Нейрохирургия илмий маркази ҳамда нейрохирургия жамияти жамоаси тиббиёт фанлари доктори, профессор-нейрохирург **Саттор МАДЪЯРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

## Журналист ва жаҳон: тажриба, талқин

# МЕГАПОЛИС муаммоларини велосипед ҳал қилади

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

**«Transport for London» компаниясининг махсус веб сайтида рўйхатдан ўтиб, электрон калит олгач, мана, велосипед ижараси станцияларидан биридаман. Бу ерда ҳеч қандай хизмат кўрсатувчи ходимлар йўқ – терминалга керакли тўловни киритгач, ўзига хос металл тўсиқларга қулфлаб қўйилган велосипедлардан бири меники бўлади. Албатта, маълум муддатга. Мен бир кунлик ижара учун бир фунт тўладим. Бундай қисқа муддатга олганим сабаби — менда Лондон мэрининг велосипедини бир мартагина ҳайдаб кўриш иштиёқи эди, холос. Дарвоқе, «Борис велосипедлари» деб ном олган бу транспорт воситалари ижараси Лондон мэри Борис Жонсон саъй-ҳаракатлари туфайли ўтган йил июль ойидан йўлга қўйилган.**



Шу йил 31 март куни Борис Жонсон ва Арнольд Шварценеггер экологик тоза технологияларни оммалаштириш борасида фикр алмашиш учун учрашганларида ҳам Лондон мэриясигача ижарага олинган велосипедларда келишди.

Мақсадим — бирон манзилга бориш эмас, балки ушбу транспорт туридан фойдаланиш тартиби билан яқиндан танишиш эди. Мен билан бирга икки ғилдиракли улов олган, чамаси 70 ёшлардан ошган кампирнинг ортидан педални босдим. Орамиздаги қарийб 25 ёшлик фарққа ва анча-мунча велосипедчилик стажимга ишониб қаттиқ янглишибман. Фақат менга маълум бўлган беллашувнинг бешинчи дақиқасига бормай у мени чангда қолдирди. Бу сўзни фақат кўчма маънода ишлатяпман, деярли ҳар кунги ёмғирлар туфайли мегаполис кўчаларида чанг ғубор йўқ.

Хайд паркнинг яқинида бораётган эдим, у ерда нафақат пиёда, отда ва велосипедда сайр қилувчилар учун ҳам алоҳида йўлаклар ажратилиб, барча шароитлар яратилганини назарда тутиб, рулни шу тарафга бурдим. Дарвоқе, руль ҳақида — унинг ўнг томонида тезликни алмаштиришга хизмат қиладиган узатма (велосипедни уч хил тезликда ҳайдаш мумкин) чап томонида эса қўнғироқ жойлашган. Озгина муддат ичида ўзим бошқараётган уловнинг бошқа турдошларидан афзалликларини ҳис қилдим — ўзи оғир кўрингани билан осон ҳаракатланади, мустаҳкам. Кўпгина икки ғилдиракли дастёрлар «гангиб» қоладиган менинг вазнимни писанд қилмади. Ғилдираклар ҳаракатланиши билан липиллашни бошлаган олд ва орқа чироқлар ҳаракатдан тўхтаганимдан сўнг ҳам бир неча дақиқа ёниб турди. Демак, тунлари катта йўлларда ҳам хавфсизлигингиз кафолатланади.

Хайд паркда махсус йўлакда ғизиллаб борар эканман, мен каби ижара уловда сайр қилаётганларга, «Борис велосипедлари»ни миниб олган сайёхлар гуруҳига дуч келдим.

Париж, Шанхай ва дунёнинг бир неча йирик мегаполисларидан кейин Лондонда велосипед ижараси йўлга қўйилгандан бир йилча ўтиб, бу борада турли фикрлар пайдо бўлди.

Супермаркетдан чиқиб, уловини йўлга шайлаётган йигитни саволга тутдим.

— Оиламизда бир эмас, иккита велосипед бор, — деди ўзини Жеймс деб таништирган суҳбатдошим. — Барибир ижарадан мунтазам фойдаланяпман. Чунки ёмғир ёғиб қолса, уни яқин орадаги станциялардан бирида қолдириб, бошқа транспортда манзилимга етиб олишим мумкин.

— Икки хонали квартирада яшаганим учун велосипедда юришни яхши кўрганим билан уни уйда сақлаш имкони бўлмаганидан бу севимли машғулотдан ўзимни чеклаётган эдим, — дейди яна бир суҳбатдошим. — Ижара бу транспортни сақлаш муаммоси ҳақида бош қотиришга ўрин қолдирмайди.

Бошқача қарашлар ҳам йўқ эмас.

— Қулай, деярли текин ижара йўлга қўйилди-ю, билган ҳам, билмаган ҳам велосипедга ўтирди, — дейди Лондон тимсолларидан бири — қора қўнғизнусха такси ҳайдовчиси Майкл. — Баъзан машинани юрак ҳовучлаб бошқаришга тўғри келади.

Ҳайдовчининг бу фикрини кейин ўз ҳаракатимда инобатга олдим — катта кўчаларга чиққанимда эгнимга «Visitor» (меҳмон) ёзуви туширилган юпқа яшил нимчани кийиб олишни унутмадим. Натижасини дарҳол сездим — бу ернинг йўл ҳаракати қоидаларини тўла билмайдиган меҳмон ёнидан автомобиль ҳайдовчилари эҳтиёт бўлиб ўтишга интилишарди.

Сирасини айтганда, велосипед ижараси, айниқса, сайёҳлар учун қўл келаётганини таъкидлашяпти. Лондонни айланиш учун махсус тур автобуслари ва ҳатто кемалар бор. Аммо тажрибадан ўтказганлар икки ғилдиракли уловда хоҳлаган жойингда истаганингча сайр қилганга нима етсин, дейишяпти.

Лондонда велосипед ижараси йўлга қўйилгандан буён ўтган қарийб бир йилнинг натижаси — бугун бу ижара уловдан доимий фойдаланиш учун рўйхатдан ўтганлар сони 120 мингдан ошган. Кундалик, ҳафталик ва ойлик фойдаланиш учун ижарага олаётганлар бу ҳисобга кирмайди.

Дарвоқе, британияликлар илгаридан велосипедлардан кенг фойдаланишини таъкидлаш жоиз, буни саломатликларини мустаҳкамлаш, манзилга тез етиб олиш, ва албатта, машина учун ёнилғи ва йўлкира ҳақини тежаш учун қилишади.

Ўн йилдан буён велосипедда юрадиган ва бошқа уловни тан олмайдиган Лондон мэри Борис Жонсон эса бу мақсадлар қаторига умуммиллий вазифани ҳам қўшди — пойтахтдаги транспорт тиғизлигини, ҳавонинг ифлосланиш даражасини кескин пасайтириш даркор.

Имкони бўлса, ҳаммани икки ғилдиракли уловга ўтқазишни орзу қиладиган мэр велосипедлар ижарасини йўлга қўйиш билан аста-секин ўз ниятига эришади, шекилли. Ҳар куни офис костюмида велосипед билан ишга келадиган мэрнинг ижара лойиҳасини «Transport for London» компанияси ва «Barglays» банки молиялаштирса ҳам уловлар бошиданоқ аҳоли орасида «Борис велосипедлари» деб номланди. Айни пайтда мегаполисда мавжуд велотрассаларни кўпайтириш борасидаги ишлар кенг миқёсда олиб бориляпти. Бу ишлар 2012 йилда бўлиб ўтадиган Лондон олимпиадаси олдидан ҳам ўзига хос тайёргарликдир — иштирокчилар ва миллионлаб томошабинлар йиғиладиган ушбу тадбирда транспорт тиғизлиги муаммосининг кучайиши турган гап.

Хуллас, автомобиль ихтиро қилинмасидан олдин извошлари, айни кунда икки қаватли қизил автобуслари билан машҳур Лондоннинг тимсолларидан бири келажакда велосипедлар бўлса, ажаб эмас. Британияликлар соғлом турмуш тарзи ва атроф-муҳит муҳофазасига қаттиқ эътибор қаратадилар.

Лондонда кўрганларим бир неча йиллар муқаддам Хоразм вилоятининг бир қишлоғидаги велосипед ҳайдайдиган аёллар ҳақидаги ихчамгина репортажимни ёдга солди. Шаҳарга сут олиб бориб сотиш, узоқда жойлашган томорқалари ва пудрат ерларига қатнаш, қишлоқнинг бир чеккасидаги тўй-ҳашамларга бориш учун қайноналар ҳам, келинлар ҳам велосипед рулига ўтиришади. Ҳатто келин танлашаётганида унинг велосипед ҳайдай олишини ҳам суриштиришади. Фарғонада ҳам бу улов тури кенг тарқалган.

Эътибор берган бўлсангиз, аҳоли турмуш фаровонлиги ошгани сайин, автоулов бизда ҳам ҳашамат эмас, ҳаракатланиш воситасига айланди. Натижасини — пойтахт кўчаларидаги тиғизликларни кузатган бўлишингиз керак. Шунингдек, юрак-қон томир касалликларидан, оғир вазндан азият чекаётганлар кўпайиб боряпти. Демак, Ғарбдаги каби бу муаммоларнинг кучайишини кутмасдан, профилактика мақсадида велосипед рулига ўтиришимиз кеpакка ўхшайди. Балким, Лондон мэри каби шахсий намуна кўрсатадиган тарғиботчилар ҳам пайдо бўлиб қолар...

**(Давоми бор)**

**Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**
**Буюк Британия, Лондон.**

# Тил билган эл билади

**Буюк бобокалонларимиз яратган аксар асарлар араб имлосида битилган. Шу боис уларни ўрганишни истаганларга кўмаклашиш мақсадида уч йил илгари Урганч давлат университети қошида «Араб тили ва маданияти маркази» ташкил этилди.**

Марказда талабалар ва бошқа касб эгаларига арабча матнда битилган манбалар устида ишлаш, луғатлар ёрдамида арабча сўзларни лингвистик жиҳатдан таҳлил этиш, арабча сўзлашиш малакасини эгаллаш ҳамда таржима қилиш ўргатиб келинмоқда. Бу хайрли иш кўпчиликка манзур бўлганидан марказ фаолиятига қизиқиш йилдан-йилга ошиб бормоқда. Марказда араб алифбоси ва манбашунослик фанлари бўйича уч ойлик курслар ташкил қилинди. Бу курсда йигирма нафардан зиёд талаба ва тингловчи қатнашмоқда.

— Тингловчиларнинг араб тилини мукаммал ўрганишлари учун барча имкониятлар яратилган, — дейди марказ раҳбари Азамат Отаев. — Ишимизга боғлиқ ташкилотлар билан доимий ҳамкорлик қилиб келаяпмиз, бир қатор ўқув қўлланмалари олдик. Келгуси ўқув йилидан бошлаб, марказда араб тилини янада чуқурроқ ўзлаштиришни йўлга қўйиш мақсадида малакали араб тили мутахассисларини жалб қилишни режалаштирганмиз.

Бундан ўн аср муқаддам Маҳмуд Замахшарий бобомиз араб тили грамматикасини яратиб, жаҳон фанида эътироф этилгандай «араб бўлмаган киши арабларга араб тили қонуниятларини ўргатган» эди. Бугун буюк аллома авлодларининг араб тилини ўрганишлари шунчаки ҳавас эмас, тил ўрганишни мукаммал даражада эгаллашга астойдил киришганларини ўз тарихимизни чуқурроқ ўрганишга, илмга интилиш деб баҳоласак тўғри бўлади.

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

## Иқтисодиёт ва ислоҳот

# Бугунги ҳаракат — эртанги ютуқлар гарови



**Бир асрдан зиёд тарихга эга бўлган «Андижонёғмой» очиқ акциядорлик жамияти наинки вилоятда, балки бутун мамлакатимизда йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Бугун бу ерда вилоятда етиштирилган пахта чигитининг ярмидан кўпроғи қайта ишланиб, сифатли ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилмоқда.**

Масалан, ўтган 2010 йилда 67540,9 тонна техник чигитдан 10,5 минг тонна ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилди. Қарийб 9 минг тонна тозаланган ёғ тайёрланди. 30 минг тоннадан зиёд кунжара ва 23 минг тонна шелуха биржалар орқали чорвадорларга етказиб берилди. Бундан ташқари, 2726 тонна хўжалик совуни ишлаб чиқарилди.

Шу йилнинг беш ойи давомида 23282 тонна техник чигит қайта ишланиб, ундан 3953 тонна қора ёғ маҳсулоти олишга эришилди. Шрот 10302 тонна ва шелуха ишлаб чиқариш 7715 тонна, тозаланган ёғ ишлаб чиқариш 3296 тонна бўлиб, шундан олий навли ёғ 150 тонна, 60 фоизли хўжалик совуни — 1128 тонна, қадоқланган ёғ — 1214 тонна ишлаб чиқаришга эришилди.

Бу ютуқлар кейинги йилларда корхонанинг модернизация қилиниши туфайли қўлга киритилди. Ишлаб чиқаришдан тушган маблағнинг асосий қисми таъмирлаш ишларига сарфланди.

Президентимизнинг «2007-2011 йилларда ёғ-мой корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида корхонада ўтган йили муайян ишлар олиб борилди.

Мазкур ишларга 165428 минг сўм миқдорида маблағ сарфланди. Электр энергия сарфи харажатини мувофиқлаштириб боришни йўлга қўйиш мақсадида АСКУЭ тизими ўрнатилиб ишга туширилди. Ишлаб чиқариш тизимларини капитал таъмирлаш ишларига 270,0 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Айни пайтда корхона жамоаси қайта ишланадиган хом ашёни, ўсимлик ёғи турларини кўпайтириш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда. Вилоятнинг олтита туманидаги фермер хўжаликларининг 250 гетар майдонига кунгабоқар экилди. Қорақалпоғистон Республикасининг Қонликўл туманидаги 83 та фермер хўжалиги билан шартнома тузилиб 1100 гектар ерга маҳсар экилди. Ҳозирги кунда кунгабоқар ва маҳсар майдонларида агротехник ишлар олиб борилмоқда. Бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонлардан 300 гектарига соя экиш режалаштирилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 ноябрдаги йиғилиши баёнига асосан, «Андижон вилоятида ички истеъмол бозорини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ва уларнинг ҳажмини кўпайтириш бўйича 2009-2010 йилларга мўлжалланган манзилли дастур»га киритилган лойиҳалар ижросини таъминлаш юзасидан жамият ҳудудида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 190 м$^2$ бино ажратилди ва тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Хитойнинг «Yilli Star» фирмасидан умумий қиймати 45400 АҚШ долларига тенг конфет ишлаб чиқарувчи замонавий дастгоҳлар келтирилиб, ишга туширилди.

Корхона ишчи-хизматчиларининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида 25 гектар майдонда ёрдамчи хўжалик ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Андижон вилоят бўлимидан олинган кредит маблағига Пахтаобод туманидаги «Оятилло Кароматилло» фермер хўжалигидан 88 млн. сўмлик 50 бош қорамол сотиб олиниб, парваришланмоқда. Бу ерда жами 101 бош зотли қорамол боқилмоқда. 2010 йилда 2739,5 кг гўшт ва 15559 кг сут маҳсулотлари жамият ишчи-хизматчиларига тарқатилди.

Яқинда жамиятга Андижон туманидаги «Шарқ Юлдузи» массивидан қаровсиз, қуриб бораётган боғ майдонларидан 4.43 гектари янги боғ барпо қилиш учун ажратиб берилди. Избоскан тумани ҳудудида жойлашган «У.Мансуров» номли тажриба хўжалиги билан шартнома тузилиб, 1200 туп олма кўчати сотиб олинди. «Мустақилликнинг 20 йиллигига 20 туп кўчат — менинг туҳфам» шиорига амал қилган ҳолда корхона жамоаси томонидан жами 1560 туп кўчат ўтқазилди.

Бу кўчатлар эртага ўз ҳосилини беради.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбирлари.** t

## Спорт

# Ҳозирча ҳамюртларимиз пешқадам

**Тошкентда шоҳмот бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида бўлиб ўтаётган жаҳон чемпионати (кубоги) минтақавий саралаш мусобақаси ҳал қилувчи паллага кирди.**

Етти тур ўйинлардан кейин эркаклар ўртасида ҳамюртларимиз — 6 очко тўплаган халқаро гроссмейстер Антон Филиппов ва 5 очко жамғарган халқаро миқёсдаги спорт устаси Андрей Квон Жаҳон кубогига бериладиган иккита йўлланмага асосий даъвогар бўлиб турибди. Аёллар ўртасида жаҳон чемпионатига бериладиган ягона йўлланмага 5 тадан очко тўплаган сирдарёлик Сарвиноз Қурбонбоева ва қозоғистонлик Мадина Давлетбоева даъвогарлик қилишмоқда.

Саралаш мусобақаси бугун ниҳоясига етади.

# Ўзбекистон — Сурия 2:1

**Футбол бўйича «Лондон олимпиадаси — 2012» саралаш мусобақасига ҳозирлик кўраётган мамлакатимиз олимпия терма жамоаси ўртоқлик учрашуви ўтказди.**

Тошкентдаги «Жар» ўйингоҳида бўлган учрашувда футболчиларимиз Сурия олимпия терма жамоасига қарши майдонга тушди ва рақибларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Энди олимпиячиларимиз 19 июнь куни «Лондон олимпиадаси — 2012» саралаш мусобақаси доирасида Гонконг олимпия терма жамоасини қабул қилади.

# «Бунёдкор»нинг ажойиб ғалабаси

Футбол бўйича 20-миллий чемпионатнинг 12-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

«Олмалиқ» — «Андижон» — 2:1, «Машъал» — «Навбаҳор» — 2:0, «Нефтчи» — «Қизилқум» — 1:0, «Пахтакор» — «Динамо» — 3:1, «Насаф» — «Шўртан» — 5:0, «Сўғдиёна» — «Бунёдкор» — 1:6, «Бухоро» — «Металлург» —2:1.

## ОБ-ҲАВО 16-17.06. 2011

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 27°C | 29°C |
| Самарқанд | 27°C | 32°C |
| Нукус | 25°C | 30°C |
| Қарши | 30°C | 35°C |
| Урганч | 25°C | 30°C |
| Навоий | 28°C | 33°C |
| Фарғона | 27°C | 32°C |
| Бухоро | 28°C | 33°C |
| Андижон | 27°C | 32°C |
| Наманган | 27°C | 32°C |
| Термиз | 30°C | 35°C |
| Жиззах | 27°C | 32°C |
| Гулистон | 27°C | 32°C |
| Тошкент вил. | 27°C | 32°C |
| Лондон | 24°C | 18°C |
| Париж | 29°C | 25°C |
| Москва | 21°C | 23°C |
| Мадрид | 26°C | 25°C |
| Пекин | 31°C | 30°C |
| Гонгконг | 32°C | 32°C |
| Рим | 26°C | 25°C |
| Анқара | 26°C | 24°C |
| Токио | 26°C | 27°C |
| Стокгольм | 26°C | 14°C |
| Кейптаун | 17°C | 17°C |
| Қоҳира | 30°C | 32°C |
| Гавана | 31°C | 31°C |
| Вашингтон | 28°C | 29°C |

2010 йил 16 июль куни Чилонзор туман ҳокимияти томонидан «Тафаккур нашриёти» хусусий корхонаси Низомига берилган ўзгартириш матни йўқолганлиги туфайли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 118-ўрта таълим мактаби томонидан 2007 йилда Наргиза Ҳикматилла қизи Рашидова номига берилган O'R-SN 0760771 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Чилонзор туман ҳокимиятидан 2009 йилда рўйхатдан ўтган «DOELZAF AVIA» МЧЖга тегишли № 005345-08 рақамли гувоҳнома, таъсис ҳужжатлари ҳамда думалоқ муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**MUASSIS:**
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY'ATI:**
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

**BO'LIMLAR:**
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

**MANZILIMIZ:** 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.*

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
**Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.**

**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 649
*17413 nusxada bosildi.*

*t — Tijorat materiallari*
Topshirish vaqti — 21.00
O'zA yakuni — 01.30
Topshirilgan vaqti — 03.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: **Alisher RO'ZIYEV**
Sahifalovchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5